SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 25-may • Payshanba • 60 (27.552) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ватан ҳимояси — олий шараф

## «СУЮНЧИ БЕРИНГ, АСКАР АКАМ КЕЛДИЛАР!»

### Беш яшар Зулайҳонинг бу қувончли хабари бир зумда бутун қишлоққа овоза бўлди

Дўстлик туманидаги Эргаш Жуманбулбул қишлоғи адоғидаги дов-дарахтлар билан бурканган мўъжазгина ҳовли ҳаш-паш дегунча қўни-қўшни, дўсту қадрдонлар билан тўлди. Уларни бу ерга бўй-бастига ҳарбий кийим-бош ярашган аскар йигит билан дийдорлашиш, фарзанди хизматдан қайтган ота-она қувончига шерик бўлиш истаги бошлаб келганди.

Ҳамқишлоқлари аскар йигит Шодиёрни саволларга кўмиб ташлашди. Бириси ҳарбий хизматнинг қандай ўтганини сўраса, бошқалари аскарларга бериладиган ош-нондан тортиб, жанговар қурол-аслаҳаларгача қизиқишарди.

— Аскарликкача «Ватанпарвар» ташкилотида шофёрлик курсини битирганлигим учун ҳарбийда автомашина ҳайдадим. Кийим-кечак, озиқ-овқат, ҳарбий аслаҳа — ҳаммаси етарли. Дўстлар орттирдим. Жанговар қуролларимизга эса гап йўқ.

Шодиёржон Юсупов гапиряпти-ю, тўпланганлар эшитаяпти. Аскарликдан қайтаётган йигитларни аввал Тошкентга, Тошкентдан эса вилоятларнинг марказларигача поездда кузатиб келишгани, Жиззах шаҳрида улар мудофаа ишлари бошқармаси, ҳокимлик, жамоатчилик вакиллари, оқсоқоллар томонидан тантанали кутиб олингани, совға-саломлар улашилгани, сўнгра тўкин дастурхон ёзилиб, эзгу тилаклар билдирилгани, ишга таклифлар ҳам бўлгани, кечаси дам олишгача шарт-шароитлар яратиб қўйилгани...



**Суратда:** *пойтахтимизнинг Миробод тумани «Файзиобод» маҳалласида яшовчи Равшан Раҳмонов ҳам ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, уйига қайтди. Оила аъзолари, маҳалладошлари йигитлик бурчини шараф билан адо этган Равшан билан фахрланадилар.*

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

— Қаранглар-а, яна вилоят марказидан нақ уйимизгача ўзлари олиб келиб қўйишди, — дейди ўғлининг сўзларини давом эттириб ота. — Тўғри, мен ҳам «союз» даврида хизмат қилгандим. Қайтишда чўнтагимдаги энг сўнгги чақаларни сарфлаб, поездма-поезд осилиб, бир амаллаб уйга келиб олгандим. Бугунги аскарларимизга яхши бўлди-да. Билсаларинг, буларнинг бари мустақиллик туфайли.

— Энди ўқимоқчимисан ё ишламоқчимисан, Шодиёр? — сўраб қолди оқсоқоллардан бири.

— Ҳарбий қисмдан ўқишга тавсиянома ҳам беришган. Бу тавсияномани топширсам, ўқишга киришда имтиёзга эга бўламан. Аммо, ниятим бу эмас. Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида мен билан бир кунда аскарликдан қайтган олти кишига шартнома асосида хизмат қилишни тавсия этишди. Маоши ҳам, имтиёзлари ҳам кўнглимдагидай экан. Рози бўлдим. Ота-онам хўп десалар, бир-икки кундан кейин яна хизматни давом эттирмоқчиман.

Гап гапга уланди. Ўттиз уч хонадондан иборат қишлоқда ўйин-кулгу, ҳазил-мутойиба, гурунг ярим тунгача давом этди.

Ҳамма шод, барча хурсанд. Болаларнинг қий-чув, шовқин-суронини айтмайсизми? Айниқса, беш яшар Зулайҳонинг севинчи олам жаҳон. Ҳар бир меҳмонга пешвоз чиқиб, «Суюнчи беринг, аскар акам келдилар!» дейди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚ




**Куч — адолатда. Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки давридаёқ буюк бобомиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг ушбу ҳикматли сўзларини ривожлантириб: «Адолат — қонун устуворлигида» деб таъкидлагани замирида айни шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшаш зарурлигига даъват этувчи оддий, айни чоғда, муҳим ҳақиқат мужассамдир.**

**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан мамлакатимизда қонун, адолат ва ҳақиқат устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.**

— Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди Б.Мустафоев. — Зотан, демократлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир юртдошимиздан етук ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишни тақозо этади. Бинобарин, ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта билган инсонгина, аввало, оиласи, фарзандлари, юртдошлари ҳуқуқини, қолаверса, Ватан мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари мустақиллигимизнинг илк босқичидаёқ шакллантирила бошланди. МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб юртимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил топди. Кўппартиявийлик тизими сингари, ўзида мамлакат аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини ифодалаган демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг фаолият юритаётир. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожланиши учун барча имкониятлар яратилган. Бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ривожига кенг йўл очилган.

Ғоятда қизғин кечаётган ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онгига етказиш олдимизда турган долзарб вазифаларнинг энг муҳимларидандир. Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида бўлгани каби қонун ижодкорлиги соҳасини ҳам эркинлаштиришга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу ижобий ўзгаришлар натижасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари замирида одамлар ҳақида ғамхўрлик ўз мужассамини топаётир.

Қонун ҳужжатларининг мазмунидан, айни чоғда, мамлакатимизда амалга оширилаётган қамрови кенг ислоҳотлардан, хусусан, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик янгиланишлардан жамиятнинг батафсил хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

**— Вазирлик ҳузурида янги ташкил этилган мустақил ахборот-таҳлил муассасаси — Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 декабрдаги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ташкил этилди.

Марказни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад юртимизда шакллантирилаётган ҳуқуқий, қонунчилик базасининг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш устидан изчил мониторинг олиб боришдир.

3-бет

## ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

Тошкент Тиббиёт академиясида республика мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий-тадқиқот кўргазмаси ташкил этилди. Унда академиянинг барча кафедралари ва илмий бўлинмалари ўзларининг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини намойиш этишди.

— Кўргазмани ўтказишдан мақсад ёшларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш, уларда янгиликка қизиқиш уйғотишдир, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг маърифат ва маънавият ишлари бўйича проректори, профессор Шерзод Зокирхўжаев. — Унда «Энг яхши инновация ишланмаси», «Энг яхши амалий лойиҳа», «Энг яхши фундаментал лойиҳа», «Саноат корхоналари буюртмаси бўйича бажарилган энг яхши лойиҳа», «Энг яхши ёш олим ишланмаси» номинациялари бўйича танлов эълон қилинди.

Шунингдек, юртимизда мустақиллик йилларида тайёрланган, муваффақиятли ҳимоя қилинган диссертация ишлари, хорижий ва давлат грантларини олган илмий-тадқиқот ишлари, экологиянинг инсон саломатлигига таъсири борасида бир қанча йирик илмий ишланмалар кўргазмага қўйилди.

Кўргазма менда илмий-тадқиқот ишларига қизиқишимни янада оширди. Ўзимни илмий ишлар олиб боришга қодирдек ҳис этаяпман Мана шундай кўргазмалар тез-тез ўтказилиб турилса, ёшларнинг изланишлари ва мақсадларига катта рағбат бериши табиий.

**Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## «ИСТИҚБОЛ»НИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Ёшлик интилишлари чегара билмайди. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, янгиланиш жараёнида ҳар бир ёш фуқаронинг фаол иштирок этиши ҳозирги давр илгари сураётган энг муҳим талаблардан биридир. Биз ёшлар кимларнинг авлоди эканимизни яхши биламиз. Аммо улуғ бобокалонларимиз билан нафақат фахрланишимиз, балки уларга муносиб авлод бўлишимиз лозим. Бунинг учун эса, албатта, сиёсий онгимизни юксалтиришимиз, Ватанимиздаги ҳар бир жараёнга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ўзимизда шакллантира олишимиз талаб этилади.

Ёшларни ана шундай ҳаракатга бирлаштириш мақсадида тузилган Ўзбекистон ХДПнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти биз учун айни муддао бўлди. «Истиқбол»нинг юзага келишида, аввало, ёшларимизнинг хоҳиш-иродаси, уларнинг ҳаёт режалари, орзу-умидлари асос бўлди. Ўйлайманки, ёшлар қаноти орқали биз муаммолар ҳақида ўз нуқтаи назарларимизни ифода этамиз.

Давлатимизнинг ёшлар сиёсатини тушунтириш, кенг тарғиб қилиш билан биргаликда, биз ёшларнинг ўй-ташвиш, орзу-интилиш ва муаммоларимизни кўтариб чиқиш, ХДП кенгашлари ва депутатлик тузилмалари орқали тегишли давлат ташкилотларига уларни етказиш, умуман олганда, ёшларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланиш «Истиқбол» фаолиятининг бош мезони бўлишига эришишимиз лозим. Ана шунда биз ёшларга давлатимизнинг эътибори бежиз эмаслигини исбот қила олган бўламиз.

**Умида МУСАЕВА,**
**ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси, Навоий давлат педагогика институти талабаси**

## «МОСЯНТЕКС»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

**Гулистон (ЎзА мухбири Д.Эсонова).** Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги «МосЯнтекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган болалар ва эркаклар спорт кийимларига нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ошаётир.

Қисқа фурсат ичида «МосЯнтекс» тамғаси билан ишлаб чиқарилган етмиш минг долларлик маҳсулот Россия Федерациясига экспорт қилинди. Келгусида корхонада маҳсулот турини кўпайтириш, шунингдек, ўнлаб янги ишчи ўринларини яратиш режалаштирилган.

## МИЛЛИОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ, ДАРДИ, ФАХРИ

50 YIL

### МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДАН БИРИ — «ПАХТАКОР» ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЭЛЛИК ЙИЛ ТЎЛДИ!

Дунё футбол ишқибозлари саноқли кунлардан сўнг Германияда бошланажак жаҳон чемпионати баҳсларини интиқлик ва ҳаяжон билан кутишмоқда. Ана шундай катта футбол байрами арафасида мамлакатимизнинг кўпминг сонли мухлислари ўзларининг севимли жамоаси «Пахтакор»нинг ярим асрлик тўйини нишонлаётир.

Кўп миллатли Ўзбекистонимиз фахри, ифтихори ҳисобланган жамоамиз нафақат республикамизда, балки турли мамлакатларда ҳам Ватанимиз шаъни-шавкатини юқори кўтаришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Б.Абдураимов ва Г.Красницкий, М.Ан ва В.Фёдоров, В.Хадзипанагис ва Т.Исоқов, В.Пшеничников, Ҳ.Раҳматуллаев ва А.Якубик, И.Шквирин, М.Қосимов ва бошқа кўплаб машҳур футболчиларимиз ютуқлари «Пахтакор» билан чамбарчас боғлиқ.

«Пахтакор» собиқ иттифоқ чемпионати «Б» классидаги дебют ўйинини 1956 йил 8 апрель куни Молотов (ҳозирги Пермь) шаҳри жамоаси билан ўтказган ва Лазиз Мақсудов томонидан киритилган ягона тўп пахтакорчиларга ғалаба келтирган. Йилдан-йил шаклланиб, чиройли ўйинлари билан мухлислар меҳрини қозонган пахтакорчилар собиқ иттифоқ чемпионати олий лигасидаги дастлабки учрашувини 1960 йил 9 апрель куни ўз майдонида Москванинг «Торпедо» жамоасига қарши ўтказганди. Футбол тарихи зарварақларидан жой олган ушбу ўйинда гарчи тошкентликлар кичик (0:1) ҳисобда имкониятни бой берган бўлса-да, Ўзбекистон футболи келажаги борлигини исботлаб берганди. Ярим асрлик фаолиятининг катта қисмида «Пахтакор» нафақат пойтахтимиз Тошкентнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг, ҳатто Ўрта Осиёнинг асосий умид ва ишончига айланди. Минтақамизнинг кўзга кўринган футболчилари «Пахтакор» сафида бир маротаба бўлса-да, тўп суришни орзу қилишган. Тошкентга «Пахтакор» ўйинларини бевосита кузатиш учун ўн минглаб ишқибозлар юзлаб километр йўл босиб келишгани муболаға эмас. Бир сўз билан айтганда, «Пахтакор» миллионлаб футбол ишқибозларининг ҚУВОНЧИ, ДАРДИ ва ФАХРИга айланган.



4-бет

Тадбир

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент молия институтида «Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари» мавзуида талабалар, ёш олимлар ва тадқиқотчиларнинг икки кунлик республика илмий-амалий конференцияси иш бошлади.

Конференциянинг кечаги биринчи иш кунида «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифалари», «Солиқ сиёсати ва унинг устувор йўналишлари», «Бозор иқтисодиёти шароитида корхона активларини шакллантириш манбалари», «Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш ва кенгайтириш муаммолари» каби ўн бешга яқин мавзуларда маърузалар тингланди.

Бугун анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда йирик иқтисодчи олимлар ва амалиётчиларнинг ўқув дастурлари билан танишадилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

Спорт

## ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Пойтахтимизда футзал бўйича ўтаётган VIII Осиё чемпионатининг гуруҳ учрашувлари кеча якунланди.

Терма жамоамиз Хитой футзалчиларини 4:1 ҳисобида енгиб, уч учрашувдан 9 очко жамғарган ҳолда ярим финалга чиқди. Шунингдек, ўз гуруҳларида пешқадам бўлган Эрон, Қирғизистон, Япония вакиллари ҳам ғолиблик учун курашни давом эттиради.

AFC FUTSAL CHAMPIONSHIP UZBEKISTAN 2006

Ярим финал ўйинлари эртага бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон — Қирғизистон, Эрон — Япония терма жамоалари учрашади.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

# ВАТАНГА ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАГАЙ

### ЁКИ ЁШЛАРИМИЗНИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАШ ҲАҚИДА

*Душман сўзларига ишонса киши,*
*Пушаймон тортишдир оқибат иши!*
**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

Ҳар бир инсоннинг ўз ватани, туғилган макони бор. Ватанга меҳр она сути билан бирга киради. Шунинг учун ҳам Ватанни она каби мўътабар, муқаддас деб, эъзозлаймиз, ардоқлаймиз. Шунинг учун ҳам Ватанга хиёнат онага хиёнат, оқпадарлик деб саналади. Янада очиқроқ айтганда Ватанга хиёнат – ота-онага, фарзандларга, оилага, дўсту биродарларга хиёнатдир.

Тарихдан биламизки, Ватанга ва миллатга хиёнат қилганларни нафақат миллат, балки уни дунёга келтирган ота-онаси ҳам кечирмаган. Ўз миллатига, Ватанига содиқ инсонларни эса халқ фахр-ифтихор билан улуғлаган.

Муборак ҳадисларда «Ватанни севмоқ — имондандур!» дейилган. Ушбу ҳикматда инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг фазилатлари, урф-одати, қадриятлари ва олижаноб хислатлари мужассамдир. Айнан мана шу хислатлари билан инсон бошқа жонзотлардан фарқ қилади.

Ватанпарварлик мўъжизавий қудрат, тенгсиз қадриятдир. Бу қадриятларни чуқур англаган ва эъзозлаган инсонгина Ватани учун ўлимга ҳам тик боради.

Афсуски, бу муқаддас туйғулардан бегона бўлган, Ватан, миллат нелигини англаб етмаган айрим ёшлар, ҳатто оилалар, бола-чақали кишилар ҳам ўз она юртига, ўз халқига хиёнат қилиб, халқига қўл кўтариб, хунрезликларни амалга ошириб, охир-оқибат гуноҳи азимга ботиб, халқ нафратига учраганига гувоҳмиз. Айниқса, Андижон воқеаси бу аччиқ ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Юртимизда олиб борилаётган беқиёс бунёдкорлик ишларини, инсон манфаати йўлида яратилаётган катта имкониятларни кўриб туриб, Ватан душмани бўлган кучларга алданиб, ўз юртига тош отаётганларни, бўҳтонларни ёғдираётганларни ким деб атаб мумкин? Бундан ортиқ яна қандай қабиҳлик бўлиши мумкин?

Ҳар бир давлат у қанчалик ривожланган бўлмасин, унинг ўзига хос ҳал қилинмаган муаммолари бор. Ўзбекистон мустақил бўлганига эса энди 15 йил бўлаяпти. Камчиликлар, муаммолар бўлиши табиий. Халқимиз буни ўз кучи, ақл-заковати билан босқичма-босқич ҳал этиб бормоқда. Аммо ана шундай бир пайтда тирноқ остидан кир қидираётган «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» ва ўзимиздан чиққан ватанфурушлар юртимизга нисбатан ахборот хуружини давом эттиришдан толиқмаяптилар. Ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, дунёда авж олаётган мафкуравий урушлар биздан халқимизнинг азалий қадриятларини асраш, ёшлар онги ва тафаккурини эзгу ғоялар билан бойитишни талаб этади. Бир-биримизга бефарқ бўлмаслигимиз, атрофимизга, маҳалламизга, кўчамизга, фарзандларимизга доимо ҳушёр ва сергак, масъул бўлмоғимиз зарур.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Президентимиз И.Каримов миллий истиқлол мафкурасининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Айни чоғда уни ёшларимиз онгига, қалбига сингдириб бориш нақадар муҳимлигини такрор-такрор таъкидлаб келмоқда.

Жамият тараққиётининг барча соҳаларида ва босқичларида ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар, уларнинг сифати ва ўсиш даражаси инсонларнинг руҳий бардамлигига, маънавий етуклигига бевосита боғлиқдир. Мафкуравий ишлар қанчалик яхши йўлга қўйилса, одамлар онги, дунёқараши, тафаккури, сиёсий фаоллиги ва маданияти шунчалик юқори бўлади ва шу ерда ривожланиш, бунёдкорлик, соғлом муҳит, яратувчанлик авж олади.

Маънавият жамиятнинг асосий устуни. Маънавияти юксак, ғурури баланд инсон ҳеч қачон бошқаларнинг таъсирига учмайди, ақидапарастлик домига тушиб, душманларга сотилмайди.

Бундан бир неча асрлар олдин яшаб ўтган Анбар отин *«Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб, Она юртингни ҳамиша айла зеб»* — деб барчани Ватанни севишга, ардоқлашга, унинг фаровонлиги ва тинчлигини асрашга даъват қилган.

Яна бир мулоҳаза шуки, бугунги кунда мамлакатимизда иш олиб бораётган барча сиёсий партияларнинг фаолияти халқимизга, айниқса, ёшларга руҳий, маънавий куч-қувват бағишлаши керак. Сиёсий партиялар ёшларни бошқа кучлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш учун маърифий ва мафкуравий ишларни янада ривожлантиришлари, ҳозирги таҳликали замонда ташқи мафкуравий таҳдидларга, ёт ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқлари лозим. Бунинг учун расмий мажлислар ўрнига очиқ, самимий мулоқотларга кўпроқ эътибор бермоқ зарур. Сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларда кимлар иштирок этаётгани ҳам кишини ўйга толдиради. Сир эмас, маҳаллаларда ўтказиладиган аксарият учрашувларда асосан шу маҳалладаги саноқли зиёли оилалар вакилларигина қатнашади. Бошқа оила аъзолари, хусусан, ёшлар бу тадбирлардан бехабар қоладилар.

Демак, маҳаллаларда ташкил қилинаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, байрам тадбирларида доимий қатнашчилар эмас, балки барча оилалар аъзолари, айниқса, ёшлар кўпроқ иштирок этсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, халқимиз бағри кенг, кўплаб машаққат ва синовларни енгиб ўтган халқдир. Президентимиз жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг устувор йўналишларини белгилаб берган эканлар, энг аввало халқимизнинг кучи, салоҳияти ва имон-эътиқодига ишонганлар. Бу юксак орзу-умидга етиш, тараққиётга эришиш йўлида эса ҳаммамиз бир тан-бир жон бўлиб фидойилик билан меҳнат қилмоғимиз керак бўлади.

**Машкура САФАЕВА**

---

**Ҳиммат — буюк сифат**

# ЭҲСОН – ЭЗГУЛИК ДЕМАКДИР

Буюк сўфий уламоларнинг маънавий мероси, уларнинг доно фикрлари инсонлар қалбини ислом ва эзгулик нури билан тўлдиради. Аллоҳдан қўрқиш, ундан қўрққанларни Тангри таоло севиши ҳақида Қуръони каримда ҳам юзлаб марта эслатилади. Бу илоҳий ҳақиқатни имоми Аъзам уч яшарлик чоғидан биларди. Нуъмон ибн Собит болаликдан умрининг охиригача Аллоҳ каломига итоатсизлик қилиш гуноҳи азим эканини жуда яхши англаб олганди. Чунки Қуръони каримда айтилади: «Ер юзида ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар (онги)ни оятларимиз (идроки)дан четлатиб қўяжакмиз. (Улар) ҳар қандай мўъжизани кўрсалар ҳам унга имон келтирмайдилар. Агар тўғри йўлни кўрсалар ҳам уни (ўзларига) йўл қилиб олмайдилар. Мабодо нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб оладилар. Бу(нинг сабаби) оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлганларидир».

Маълумки, инсон қанчалик солиҳ ва эзгу амаллар соҳиби бўлмасин, унинг рақиблари ва ҳасадгўйлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Имоми Аъзамнинг яхшини ёмондан, оқни қорадан, ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақликдан ажрата олмайдиган, жоиз ва ножоиз, инсоф ва диёнатсизликнинг фарқига бормайдиган қўшниси бўлган. Ўзи жуда ночор, зўрға кун кечирарди. Шунга қарамай, у ҳаддан ташқари такаббур ва қўрслиги билан машҳур бўлган. Бировни ҳақорат қилиб ҳузур топарди. Ичкиликка берилган. Маст ҳолатда ҳаммага баравар ташланар, қўшнисини ҳам тинч қўймасди.

Бир куни қўшнининг уйидан ҳеч қандай сўкиш ҳам, ҳақорат ҳам, аччиқ пичинг ҳам, одатдаги бақириқ-чақириқ ҳам эшитилмай қолади. Имом хавотирланиб, уйдагилардан қўшнидан хабар олишларини сўрайди. Маълум бўлишича, у безорилиги учун зиндонга ташланган экан. Албатта, имом бундан «Аллоҳнинг қаҳрига учради», деб хурсанд бўлгани йўқ, асло. Аксинча, дарҳол амир олдига бориб, зиндондаги жиноятчи унинг қўшниси эканини, турмуши оғирлигини айтиб, кафиллик билдириб, уни озод қилишларини сўрайди.

Амир имоми Аъзамни яхши билар ва чуқур ҳурмат қилар эди. Шунинг учун ҳам нафақат безори қўшни, балки шу куни ҳибсга олинган бошқа жиноятчиларни ҳам зиндондан озод қилишга фармон беради. Шундан кейин қўшни эс-ҳушини йиғиб, имоми Аъзам ҳузурига келади, аввалги қилмишларига пушаймон еб, тавба қилади ва шогирдликка олишини сўрайди. У имоми Аъзамга қўл бериб, муридликка ўтгач, маълум вақтдан кейин машҳур олим даражасига етишади...

✧✧✧

*Маданият* тушунчаси ижтимоий маданиятшуносликда одамларнинг фаолияти, хулқи ва хатти-ҳаракати, ижтимоий ҳодиса ва социал жараён сифатида таърифланади. У мураккаб тузилишга эга бўлиб, таълим-тарбия тизимининг барча кўринишлари: фан, санъат, мифология, халқ оғзаки ижоди, адабиёт, сиёсат, ахлоқ, ҳуқуқ ва динни қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ва маданият деб аталган ноёб ҳодисанинг яхлит тизимини ташкил қилади.

Айтиш жоизки, маданият таснифида дин алоҳида ўрин эгаллайди. У ҳам ўша яхлит маданият тизими сингари ҳар қандай жамиятни инсонпарвар жамиятга айлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Зеро, энг буюк, оламшумул илмий кашфиёт ҳам, ҳар қандай нодир илмий ютуқ ҳам, агар уларда инсонийлик бўлмаса, агар маданият баркамол инсонни шакллантириш ва тарбиялашни ўзининг бирдан-бир вазифаси деб ҳисобламаса, мустақил равишда жамиятнинг маданий савиясини белгилай олмайди. Шунинг учун ҳам маданиятнинг асосан инсонпарварлик ғоясини тараннум этиши – бу унинг бош вазифасини ташкил қилади.

Маданият ва дин меҳнат, турмуш соҳаларида ҳамда инсонлараро муносабатларда жамият аъзоларининг феъли, хулқ-атворига муайян даражада таъсир қилади, хулқи ва хатти-ҳаракатидаги салбий хусусиятларга барҳам бериб, гўзал фазилатларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Одамлардаги димоғдорлик, ўтакетган мағрурлик, манман-сираш каби иллатларнинг яхши тарбиядан эмаслиги ҳаммага маълум. Улар, асосан, одамларнинг билими, такаббурлиги, мумтоз маданий қадриятларни менсимасликда намоён бўлади.

Баъзида одамларнинг ўз мавқеи, эгаллаб турган лавозими, маълум бир миллат, ижтимоий гуруҳ, ирққа мансублигидан ўзига ортиқча бино қўйиш ҳолларини сезамиз. «Кеча қандай эдинг, бугун лавозиминг ўзгариб, қандай бўлиб қолдинг, юришларинг ҳам – ғоз юриш», деб баҳо беришади ундайларга. Бу тоифа одамлар босар-тусарини билмай қолади, ортиқча иззатталаб ва шуҳратпарастликка берилади. Бундайлар бошқаларни «паст табақа» ҳисоблаб, уларга нафрат билан қарайди. Масалан, Япониядаги *барекамин* этник гуруҳининг бошқалардан жисмонан ҳеч қандай фарқи йўқ. Аммо юзлаб йиллар олдин феодал урушлар туфайли улар «радди маърака» номини олади, яшаб турган ерларидан қувғин қилинади. Яшаш учун уларга алоҳида ҳудуд ажратилади. Улар ҳақорат ҳисобланган «қора» иш билангина шуғулланар эди.

Ғарбда яҳудийлар 2000 йил давомида шундай камситиб келинган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида немисларнинг миллатчилик мафкурасига кўра, миллионлаб яҳудийлар концлагерларда йўқ қилинди. Ҳозирги даврда ҳам бутун дунёда бир-бирини камситувчи этник гуруҳлар анчагина. Буюк Британияда улар — ирландлар, осиёликлар, ғарбий ҳиндистонликлар, итальянлар, юнонлар ва бошқалардан иборат. АҚШда дунёнинг ҳамма бурчагидан келиб қолган муҳожирлар жамоалари бор. Қонун уларни бирдек ҳимоя қилса ҳам ўзаро низолар бўлиб туради.

*(Давоми бор).*

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
**Комил ЖЎРАЕВ**

---

## ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда Тахиатош шаҳар ҳокимлиги ва Амударё туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 117-Амударё сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат Гулистон Аннақличеванинг ўз сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тайёрланаётган ва муҳокамага киритилаётган қонунларнинг мукаммаллигини таъминлаш, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат таҳлил фаолиятини кучайтириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ислоҳотлар ва ижтимоий ҳаётдаги янгиланишларнинг долзарб масалаларини қонунларда акс эттириш бўйича палата ва ЎзХДП фракцияси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталди.

Шунингдек, учрашувда депутат сайловчиларнинг қатор саволларига жавоб берди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



## КОМБАЙНЛАР ЎРИМГА ШАЙ

***Фарғона.*** *Бағдод туман машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти жамоаси жорий йил ғалла ўрим-йиғим мавсумига пухта ҳозирлик кўрдилар. Барча ўрим техникалари ва хизмат механизмлари, хусусан 13 та замонавий «Кейс» ва 18 та «Енисей» комбайнлари мавсумга тахт қилиб қўйилди. Мавжуд техника воситалари учун 81 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлари харид қилинди.*

*– Жорий йилда 565 дан ортиқ фермер хўжаликлари билан 6900 гектар майдон ғалласини ўриб бериш юзасидан шартномалар имзоладик, – дейди туман машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Сайдулла Қосимов. – Ўрим ишлари 12 гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади. Ҳар бир гуруҳ замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Бу узоқ масофадан туриб ҳам бирор муаммо туғилганда уни зудлик билан ҳал этишда ёрдам беради.*

***Суратларда:*** *жамиятнинг илғор оператори Шокиржон Усмонов; ўримга шай комбайнлар.*

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



---

**Депутат ва ҳаёт**

# САЙЛОВЧИНИНГ ДАРДИ — МЕНИНГ ДАРДИМ

**Муборак нефть-газ унитар шўъба корхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвар Шукуровнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Депутат Ўзбекистон парламентининг бугунги фаолияти, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси кўтараётган масалалар ҳақида батафсил тўхталди. Мамлакатимизга қарши қаратилган турли бўҳтонлар, нотўғри ахборотлар ҳақида фикр билдирди. Улар тинчлигимиз, тинч йўл билан ривожланишимизга қарши қаратилганлигини таъкидлади.

Муборaклик сайловчилар депутат мулоҳазаларини ниҳоятда қизиқиб тинглашди. Унга кўплаб саволлар берилди.

Депутатни Касби туманида яна бир муҳим учрашув кутаётган эди. Маълумки, айни кунларда ўз-ўзини бошқариш органларига сайловлар давом этаяпти. Худди шундай ҳисобот-сайлов йиғилиши тумандаги Оққамиш маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. Сайловдан сўнг депутат Анвар Шукуров шу жойда сайловчилар билан жонли мулоқот қилди. Қизғин савол-жавоблар бошланиб кетди.

***Муҳаммади МАҲМУДОВ, фермер:***

— Туманимиз воҳада энг кўп пахта, ғалла етиштиради. Бироқ бизда завод-фабрикалар йўқ...

**Жавоб:** — Қишлоқда саноат корхоналарини кўпайтириш айни бугунги куннинг талабидир. Туманда раҳбар ҳам, фермер ҳам, фаоллар ҳам шу ҳақда ўйлаши керак. Қайси фермер кичик корхона қурмоқчи бўлса, унга қўлимдан келганча ёрдам беришга, ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашишга тайёрман.

***Мусохон РАЖАБОВ, нафақахўр:***

— Табиий газ барқарор келиб турмайди. Дам камаяди, дам тўхтайди.

**Жавоб:** — Бу тегишли идоралар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимликларга тегишли масала. Аммо, ўзларингиз телевизор орқали кўриб, газеталарда ўқиган бўлсангиз керак, партиямиз бу масалаларга катта эътибор қаратмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз коммунал хизматларни яхшилаш, тўловлар ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш масалаларини тегишли вазирликлар, идоралар олдига қўйди...

— Бу учрашувдан шахсан мен кўп нарса олдим, — дейди ХДП Касби туман кенгаши раиси Абдуали Холов. — Сайловчиларимиз партиямиздан сайланган депутат Анвар Шукуров фаолиятига катта қизиқиш билан қарашди. Шу куни Оққамиш маҳалла фуқаролар йиғини раислигига партиямизнинг жонкуяр аъзоси Ибрагим Шаропов сайланди.

— Мен ҳар доим сайловчиларим билан учрашганимда улардан депутатлик фаолиятим учун жуда кўп фикрлар оламан. Бу одамлар менга ишонч билдириб, овоз беришган экан, энди уларнинг дилидаги дардларини тинглаш, керак бўлса, уларни қонунчиликда акс эттириш биз — халқ вакилларининг муҳим вазифамиздир, — дейди Анвар Шукуров.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

# ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Хоразм вилоят кенгаши** ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан «Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларнинг ечимини топиш» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Хива туман ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари Хоразм вилоят ва Хива туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар, туман меҳнат бўлими раҳбарлари, маҳаллалар фаоллари ва бошқалар иштирок этиб, мавзуга доир муаммолар, уларнинг ечими ҳақида фикрлашдилар. Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларнинг ечимини топишда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Иштирокчилар Президентимизнинг мазкур масалага оид Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар, уларни бажариш, ижроси устидан мониторинг олиб бориш юзасидан фикрларини баён этдилар. Сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси, тумандаги 20-сон меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, вилоят Кенгаши депутати, тумандаги педагогика коллежи директори Зарифбой Қўчқоров ва бошқалар партия кенгашлари, тегишли давлат ташкилотларининг вазифалари ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Янгиариқ туманида «Қишлоқ аёллари нима билан банд?» номли давра суҳбати ўтказилди. ХДП Марказий Кенгаши хотин-қизлар ва ёшлар масалалари сектори, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур тадбирда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг турмуш тарзи билан танишиш мақсадида ташкил қилинди. Иштирокчилар тадбир аввалида қатор маҳаллаларда бўлдилар. Қишлоқ аёлларининг ҳаёти, яшаш шароити ва нима ишлар билан шуғулланаётганлиги ҳақида қизиқдилар. Эркин мулоқот тарзида ўтган давра суҳбати давомида мавзу доирасида кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

**Фарғона шаҳар** 1-Тиббиёт коллежида ўқитувчилар ўртасида «Фидойи ҳамширалар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республикамиздаги сиёсий партияларнинг фаолияти, уларнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни мавзуида бўлиб, танловнинг беш нафар иштирокчиси 5 та сиёсий партия шарафини ҳимоя қилди. Ўзбекистон ХДП вакили сифатида иштирок этган О.Матмусаева партиямизнинг дастурий мақсадлари ва юртимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида ҳар томонлама тўлиқ маълумотлар берди. Ҳозиржавоблиги боис ушбу иштирокчи фахрли ўринга сазовор бўлди. Унга Фарғона шаҳар партия кенгаши раиси О.Шарипова эсдалик совғаси топширди.

**Қарши шаҳар** 2-сон шифохонасида партия фаолларининг тиббиёт ходимлари ва аҳоли вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси Олим Равшанов Ўзбекистон ХДП дастурий устуворликлари ва уларни рўёбга чиқариш борасидаги ишлар ҳақида гапириб бердилар. Тиббиёт ходимлари ЎзХДПнинг шифокорлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ишлари ҳақида саволлар билан мурожаат этдилар. Суҳбат якунида бир гуруҳ ёшларга ЎзХДПга аъзолик билетлари топширилди.

**Деҳқонобод, Косон, Ғузор туман кенгашлари томонидан** коллеж, лицей-интернат, мактаб ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам шундай учрашувлар ташкил этилди. Учрашувларда партия ташкилотларининг ёшлар тарбияси ва манфаатлари ҳимояси борасидаги фаолияти ҳақида сўз юритилди.

**Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик коллежи**да ЎзХДП фаоллари ва туман партия кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббускорлигида «Сиз техникани биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унда коллеж талабалари икки босқичда баҳс олиб бордилар. Ғолибларга туман партия кенгаши ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг совғалари топширилди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

---

**Ҳамкорлик**

## ХАЛҚ БАНКИНИНГ НАВБАТДАГИ ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасида 2003 йилда имзоланган келишувга асосан Халқ банки Германия Жамғарма кассалари Фонди билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганди. Ўтган муддат ичида ҳамкорлар Халқ банкининг 5 та туман (шаҳар) филиалларини замонавий мебель, компьютер техникалари ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминладилар. Бундан ташқари қатор мутахассислар Германияда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш йўналишларида ўз малакаларини ошириб келишди. Фонд томонидан берилган 2 та замонавий автобусдаги сайёр банк 2004 йилдан мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ҳамкорликнинг иккинчи босқичида банкнинг марказий идораси қошида Халқ банки ходимларини ўқитиш учун ўқув маркази очилди.

Куни кеча банкнинг навбатдаги намунали Фарғона шаҳар филиали очилди. Эндиликда мазкур намунали филиалда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи ҳунармандларни кредитлаш жараёнига кенг йўл очилди.

**Жамшид ҒОЗИЕВ,**
**Лазиз ЭШОНҚУЛОВ**

# МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Марказ зиммасига қатор масъулиятли вазифалар юкланган. Жумладан, Марказ қонун ижодкорлиги, мамлакатимиз ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга дахлдор идора, ташкилот ва муассасаларнинг шу йўналишдаги фаолиятини тизимли равишда таҳлил қилиш билан шуғулланади. У ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа фаолият соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш дастурларининг вазирликлар ва идоралар томонидан бажарилишини мониторинг қилиб боради. Бу борадаги ишларнинг амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсад ва вазифаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича талабларга, халқаро нормалар ва стандартларга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини баҳолайди.

**— Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида вазирлик томонидан қандай чора-тадбирлар кўриляпти?**

— Вазирлигимиз томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлар учун қулай иқтисодий муҳит яратиш ва уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини барпо этиш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш борасида аниқ ва таъсирчан механизм амалга оширилмоқда.

Аввало, ушбу йўналишда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, янги қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Президентимизнинг 2005 йил июнь ойидаги иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фармонлари ва қарорлари жойларда қандай ижро этилаётганини танқидий ва тизимли равишда ўрганиш, шунингдек, тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари ушбу соҳаларда қонунбузарлик ҳолатларига ҳалигача йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўрганишлар давомида 39 ҳолатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний тугатиш ва тўхтатиб қўйиш, 185 ҳолатда фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини (рухсатномаларини) ноқонуний равишда суд қарорисиз ўн иш кунидан кўп муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш фактлари аниқланди. Бундай қонунбузарликлар Жиззах, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кўп содир этилган.

Юртимизда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва молиявий санкцияларни қўллаш фақат суд орқали амалга оширилишини кўзда тутувчи янги, тадбиркорлар манфаатига қаратилган тартиб жорий этилган. Шунга қарамай, айрим назорат қилувчи идоралар томонидан 190 ҳолатда ноқонуний равишда бевосита ўз қарорлари билан молиявий санкциялар қўллаш, 52 ҳолатда банклардаги ҳисоб операцияларини тўхтатиб қўйиш каби қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

Мисол учун, пойтахтимизда фаолият юритадиган «Алқур», «SADKO», «FAZLIDDIN OTA», «Аблаз дўст», «Ворисхон ота» каби олтмишдан зиёд тадбиркорлик субъектига нисбатан Бектемир туман давлат солиқ инспекциясининг қарорлари асосида қонунчилик талабларига зид равишда молиявий жазо чоралари қўлланилган. Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг жорий йилнинг 10 февралидаги тегишли тақдимномасига мувофиқ ушбу қарорларнинг барчаси бекор қилинди.

Жойларда бундай қонунбузарликлар нафақат солиқ идоралари, шу билан бирга, ҳокимликлар, назорат қилувчи ва бошқа маъмурий идоралар фаолиятида ҳам учраётгани ачинарлидир.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларига жорий йилнинг биринчи чорагида қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган тадбиркорлардан 3987 ариза ва шикоят келган. Уларни кўриб чиқиш натижасида 2880, яъни 72,2 фоиз мурожаат ўз тасдиғини топди ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, «ишонч телефонлари» орқали қилинган 379 мурожаатнинг 164 таси бўйича шикоятчиларнинг ҳуқуқлари тикланди, 217 мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, маблағларини ноқонуний жалб этиш, рўйхатга олиш, коммуникация тармоқларига уланиш, газ, электр энергияси, сув таъминоти вақтида ва тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, турар жойларни нотурар жойларга айлантириш, ер ажратиш ва уларни ҳужжатлаштириш жараёнларида ўтган йилларда аниқланган бюрократик тўсиқлар сезиларли даражада камайганини эътироф этиш ўринлидир.

Аммо, бу каби ҳолатларга жойларда бутунлай чек қўйилмаганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналишдаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда.

**— Ўзбекистонда ўз ишини очган хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қандай эътибор бериляпти?**

— Бугунги кунда мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган 2951 корхона фаолият кўрсатмоқда. Шундан 2390 таси Ўзбекистон ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхона бўлса, 561 таси тўлиқ хорижий корхонадир. 2006 йилнинг биринчи чорагида хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар томонидан адлия органларига 478 мурожаат келган бўлса, шундан 321 таси асосли деб топилди. Мазкур мурожаатлар кўриб чиқилгач, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида тегишли вазирликлар ва идораларга 72 тақдимнома, 62 огоҳнома ва 21 кўрсатма хати киритилди.

Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳуқуқи бузилишига йўл қўйганлиги учун, адлия органлари тақдимномалари асосида, 44 нафар мансабдор шахс интизомий, 7 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, бир нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Бундан ташқари, судга киритилиб қаноатлантирилган 155 даъво аризаси бўйича хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фойдасига 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Вазирлик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда жойларда фаолият юритмаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар аниқланиб, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Шундай саъй-ҳаракатлар туфайли айни пайтда 20 дан зиёд хориж инвестицияси иштирокидаги корхона фаолияти қайта тикланди.

Хорижий инвестор ҳам, юртимиз тадбиркори ҳам, аввало — инсон. Юртбошимизнинг талаби шуки: «Ислоҳот — инсон учун!». Шу боис, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг, иш одамларининг уларга етказилган зарарларини ундириб бериш, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини бартараф этиш, юртдошларимизнинг меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш каби масалалар доимий эътиборимизда турибди.

**— Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш борасида қандай ишлар қилиняпти?**

— Ўзбекистонда, Президентимиз Ислом Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида таъкидлаганидек, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ҳамда жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор берилмоқда.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этишдек кенг қамровли ҳамда теран жараён мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва конституциявий қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ равишда кечмоғи даркор. Бу борада истиқлол йилларида халқаро ҳуқуқ андазалари ва талабларига, шунингдек, дунё тажрибаси ва миллий-тарихий анъаналаримизга мос бир қанча қонунлар қабул қилингани, бошқача айтганда, зарур норматив-ҳуқуқий база яратилгани диққатга сазовор.

Бу қонун ҳужжатларининг мақсади юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ривожланиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолияти, даставвал, кам таъминланган оилаларни, кекса, хаста, қаровчисиз ва меҳнатга яроқсиз кишиларни муҳофаза этиш учун шарт-шароит яратиш орқали ижтимоий ислоҳотларни енгиллаштиришга, шаҳарчалар ва қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кўмаклашишга қаратилгандир. Бу тузилмаларнинг фаолият доираси таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, атроф-муҳит муҳофазаси каби муҳим соҳаларга доир маҳаллий ва халқаро дастурларни қамраб олган.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат томонидан кафолатланади. Конституциямизда, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ва бошқа қонунларда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва кафолатлар туфайли ҳозирги кунда мамлакатимизда қарийб беш минг нодавлат нотижорат ташкилот адлия идоралари рўйхатидан ўказилган.

Ушбу тузилмалар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, таълим-тарбия, ободончилик ишларига кўмаклашиш, кекса ва ёлғиз кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар ва оналар соғлиғини яхшилашга ёрдам бериш, етим ва ногирон болаларни парваришлаш йўналишларида, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ҳамкор давлатлар билан ўттиздан ортиқ дўстлик жамиятлари ташкил этилган бўлиб, улар Ўзбекистон билан тегишли давлатларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз ўртасида маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Юртимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари иштирокида ўнлаб миллий-маданий марказлар ҳам тузилган. Бу марказларнинг шу миллат, шу элатлар маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари эътиборни тортади.

Албатта, айрим нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятида қонунчилик талаблари ва ўз таъсис ҳужжатлари доирасидан четга чиқиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Ўзини халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти деб билувчи ва худди шу мақоми жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳар қандай суверен, мустақил давлат бошқа соҳалар қатори нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ҳам ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган қонунлар, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиши ҳамда амалда қўллаши табиий ҳолдир. Масалан, Японияда ноҳукумат ташкилотлар сиёсий ва диний фаолият билан шуғулланмайди. Исроилда ноҳукумат ташкилот фаолияти ўз Низомидаги мақсад ва вазифаларга мувофиқ келмаса ёки давлат қурилиши асосларига зиён келтирса, суд қарори билан унинг рўйхатга олинганлиги бекор қилинади. Францияда эса нодавлат ташкилотлар ўзлари қўлга киритган чет эл грантларини ички ишлар вазирлигининг рухсати асосида ҳамда ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолдагина тасарруф этишлари мумкин.

Мамлакатимиз тажрибасида, айрим нохолис манбалар асоссиз гап тарқатганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини «ёппасига тақиқлаш» амалиёти мавжуд эмас. Биргина мисол, қонунчиликни бузганлиги учун юртимиздаги «Умид қанотлари» маркази, «Ҳамроҳ консалтинг» жамоат бирлашмаси каби саноқли нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти тугатилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вазирлигимиз барча ташкилотлар билан муносабатларда қонунийлик, очиқлик ва ҳамкорлик тарафдори бўлиб, қонунчиликни такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фанни ривожлантириш, ногирон ва етим болаларга ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик каби соҳаларда ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёр.




Бу борадаги ҳамкорлигимизнинг ижобий маҳсули сифатида бир қатор халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда филиаллари фаолиятини тилга олиш мумкин.

Шу билан бирга, баъзи халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда филиаллари фаолиятида миллий қонунчилигимизни бузиш ҳолатлари аниқлангани сабабли уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Жумладан, «Фридом Хаус» (АҚШ) ташкилотининг ваколатхонаси давлатнинг ички ишларига аралашмаслик ва қонунга қатъий риоя этиш ҳақида огоҳлантирилганлигига қарамай, қонунга зид ҳаракатларини давом эттирди. Натижада тегишли суд қарори асосида ушбу ваколатхона фаолияти тугатилди.

Айни чоғда, қонун доирасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамиятимизда обрў-эътибори ортиб, мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

**— Суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатга эга бўлган тузилма — Адлия вазирлигининг Суд департаменти фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Суд департаменти тизимига юклатилган вазифаларни бажариш, жумладан, суд ва бошқа ваколатли органлар томонидан мажбурий ижрога берилган ижро ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, суд ижрочилари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, судлар ва суд ижрочиларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, моддий-техникавий ва молиявий таъминотни такомиллаштириш юзасидан ўтган йил мобайнида ва жорий йилнинг биринчи чорагида қатор ишлар амалга оширилди.

Суд ижрочилари иш юритувига келган ижро ҳужжатлари сони ва ундирилиши лозим бўлган маблағлар миқдори ўтган йиллардагига нисбатан кескин ошганлигига қарамай, кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида бу борадаги кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланган. Хусусан, ўтган йили амалда бажарилган ижро ҳужжатлари сони 2004 йилдагига нисбатан 76,2 мингтага ошган, ўз галида, ундирилган маблағлар 221,5 миллиард сўмга кўпайган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса жами ундирувлар бўйича кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,5 фоиз ошишига эришилди.

2005 йилда 74 та умумюрисдикция судларида ва 4 та департамент ҳудудий бўлимларида қурилиш, таъмирлаш ишларига ҳамда тайёр биноларни сотиб олишга жами 1,4 миллиард сўм, 2006 йилнинг биринчи чорагида шу мақсадларга 500 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Бир қанча туман, туманлараро ва вилоят судлари учун бинолар қурилди, айримлари учун бинолар сотиб олиниб таъмирланди. Барча умумюрисдикция судлари, Суд департаменти марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари замонавий техника ускуналари ва мебель тўпламлари билан тўла жиҳозланди. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда департамент фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги фаолият давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг: «Ҳуқуқ — бу мустақилликдир», деган оқилона хулосасида ғоятда теран маъно мужассам. Зотан, ҳақ-ҳуқуққа эга инсон Ватан, жамият олдида ҳамиша бурчлидир. Бурч нафақат улуғ мақсадлар йўлида жонбозлик кўрсатиш, балки айни вақтда муайян хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билишни ҳам англатади.

Мухтасар айтганда, Мустақиллик, Ҳуқуқ ва Бурч — ўзаро боғлиқ, яхлит моҳиятни ўзида мужассам этган, бири-бирини тўлдирадиган тушунчалардир. Бугунги кунда ана шу тушунчалар аҳамиятини теран англаган ҳолда ўз фаолиятимизда уларга қанчалик кўпроқ таянсак, буюк мақсадимиз — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш сари шунчалик дадилроқ илгарилаб бораверамиз.

**ЎзА шарҳловчиси**
**Ғулом МИРЗО**
**суҳбатлашди**

XORIJDA

## ТУРКИЯ — ГРЕЦИЯ

Эгей денгизи устида Греция ва Туркияга тегишли бўлган «F-16» қирувчи самолётлари тўқнашиб кетди. Расмий шахсларнинг маълум қилишларича, тўқнашув Карпатос ороли ҳудудида рўй берган. Туркияга тегишли бўлган қирувчи самолёт Греция ҳаво ҳудудини бузгач, греклар ҳам ҳавога қирувчи самолётини учиришга қарор қилган. Тўқнашув шунинг учун рўй берган, деган тахминлар бор.

Туркия қирувчи самолёти учувчиси самолётни тарк этишга улгурган. Грек учувчиси тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Ҳалокат юз берган жойда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

## ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ



«ХАМАС» бошчилигидаги Фаластин мухторияти ҳукумати мухолиф «ФАТХ» партияси билан 25 май куни миллий музокараларнинг биринчи босқичини бошлашга келишиб олди. Бу ҳақда Фаластин қонунчилик кенгашининг спикери Абдул Азиз Дуэйк маълум қилди.

Унинг айтишича, мажлислар Рамоллоҳда мухтория етакчиси Маҳмуд Аббос раҳбарлигида, Ғазо минтақасида бош вазир Исмоил Ҳония шафелигида бўлиб ўтади. Маҳмуд Аббос бу мулоқотларнинг асосий мақсади пойтахти Шарқий Қуддусда бўладиган Фаластин давлатини қуришдан иборатлигини айтиб ўтди.

Бундан олдин бош вазир Исмоил Ҳония «ХАМАС» Исроил 1967 йилдаги чегараларига қайтсагина, у билан узоқ муддатли тинчлик шартномасини тузишга тайёр эканлигини билдирди. Ҳамон «ХАМАС» ва «ФАТХ» ҳаракатлари орасида зиддиятлар келиб чиқмоқда. Бироқ улар 18 май куни зиддиятларни ҳал қилиш учун қурол ишлатмасликка келишиб олишди.

## ИНДОНЕЗИЯ

Инсон учун ўта хавфли бўлган «парранда гриппи»нинг H5N1 штамми мутацияга учраб, одамдан одамга ўтадиган касалликка айланган бўлиши мумкин.

Кўплаб мутахассислар томонидан башорат қилинган бу мутация жараёни маълум бўлишича, Индонезияда рўй берган. Айни пайтда шифокорлар бир оиланинг етти нафар аъзосининг «парранда гриппи» билан касалланиши сабабларини ўрганишмоқда. Бу оиланинг касалланган олти нафар аъзоси ҳаётдан кўз юмди. Халқаро экспертлардан ташкил топган гуруҳ оила яшаган ҳудуддан касалликка учраган бирорта ҳам паррандани топмаган.

Дунёда 2003 йилдан буён аниқланган 218 нафар беморнинг барчаси касалликни паррандадан юқтирган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиласи Мария Чангнинг айтишича, агар бу вирус одамдан одамга юқа бошлагани аниқланса, БМТ глобал пандемик хавф туғилганлиги ҳақида жаҳон жамоатчилигига маълум қилиши керак.

Гриппнинг глобал эпидемияси охирги марта 1918 йилда рўй берганди. Ўшанда одамзотни «испанка», деб ном олган вирус «таъқиб» қилгани оқибатида 40 миллион одам ҳаётдан кўз юмди.

## СЕРБИЯ



Сербия президенти Борис Тадич Черногория мустақиллиги борасида ўтказилган референдум натижаларини тан олишини билдирди.

Черногориянинг Сербиядан ажралиши тарафдорлари референдумда лозим бўлган 55 фоиз овоздан яна ярим фоиз кўпроқ овоз тўплашга эришган.

Референдумни ўтказиш бўйича комиссия Сербияга молик бўлган партияларнинг овозларни қайта ҳисоблаш талабини рад этиб, сайлов Европа Иттифоқи андазалари бўйича ўтказилганини билдирди.

Сербиянинг Черногория билан иттифоқи айнан ЕИ ташаббуси билан тузилганди. Черногория мустақил бўлиши учун сайловчиларнинг 55 фоиз овози кераклигини ҳам ЕИ белгилаб берганди.

Референдумда 86,3 фоиз сайловчи қатнашди.


## «БОБОДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОТАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Бободеҳқон бозори» ОТАЖ акциядорларининг умумий йиғилиши 2006 йил 30 июнь куни соат 16.00 да Денов шаҳри, Н.Мирзаев кўчаси, 78-уйда (жамиятнинг маъмурий биносида) ўтказилади.**

***Умумий йиғилиш кун тартиби:***

*1. Кузатув кенгашининг 2005 йил якунлари бўйича олиб борган фаолияти тўғрисида.*

*2. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.*

*3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*

*4. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти бўйича ўтказилган аудитор хулосасини тасдиқлаш.*

*5. Жамиятнинг 2005 йил хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботи.*

*6. 2005 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд миқдорини белгилаш.*

*7. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.*

*8. 2006 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.*

***Жамият акциядорларининг реестри 2006 йил 23 май ҳолатига ёпилган.***

**Кузатув Кенгаши**

## «ИПОТЕКА-БАНК»

***Тошкент вилоят филиали Сизларга юқори фоизли омонат турларини таклиф этади.***

**Антиқа** омонат тури — 1 ойдан 3 ойгача — йиллик 22%, 3 ойдан 6 ойгача — йиллик 21%, 6 ойдан 12 ойгача — йиллик 20%.

**Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ойма-ой омонатингизга қўшиб борилади.**

**«Болажон»** омонат тури — 18 ёшгача бўлган болалар номига очилади ва фоиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасига асосан тўланади;

**Истиқбол** омонат тури — 2 ой муддатга йиллик 22 фоиз;

**Коммунал** омонат тури — омонатга қўйилган маблағга йиллик 24 фоиз ҳисобида ойма-ой фоиз ҳисобланиб, шартномага асосан коммунал тўловларига ўтказиб борилади;

**Талаб қилиб олингунча** омонат тури — омонатга қўйилган маблағга йиллик 2% ҳисобида фоиз тўланади. Ушбу омонат турига қўйиладиган маблағ ва унинг муддати чекланмаган;

**Жозиба** омонат тури — 3 ой муддатга йиллик 21 фоиз;

**Адолат** омонат тури — 6 ой муддатга йиллик 20 фоиз;

**Пластик карточка** — йиллик 16% миқдорида ҳисобланади.

Бундан ташқари банкимизда ишлаб турган **WESTERN UNION** халқаро пул ўтказиш тизимидан фойдаланишингиз мумкин.

**Батафсил маълумот олиш учун тел: 117-25-04, 173-92-50.**

**Внимание: аукционные торги!**

## УВАЖАЕМЫЕ ДЕЛОВЫЕ ЛЮДИ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ!

***ООО «Шаҳрихон мулк савдо» совместно с отделом судоисполнителей г.Андижана проводит аукционные торги имущества АО «Андижонэлектродвигатель». На торги выставлены нижеследующие имущество АО «Андижонэлектродвигатель» со стартовыми ценами:***

| Название | Сумма |
| --- | --- |
| 1. Станок для производства кирпичных блоков | 1713600 сум |
| 2. Станок для отчистки овощей | 1530000 сум |
| 3. Абдирочный станок | 1683000 сум |
| 4. Кран балка | 1013579 сум |
| 5. Пресс однокривошипный 100 тн (б/у) | 11868975 сум |
| 6. Токарно винторезный станок 16Ф25 | 10648800 сум |
| 7. Токарно револверный станок 1Е 365 | 12578895 сум |
| 8. Пазо измерный станок Ж 23 А | 11872800 сум |
| 9. Токарно револверный станок 1 п | 8385930 сум |
| 10. Токарно многорезный станок 1и 125 п | 8696520 сум |
| 11. Заточный станок (б/у) | 3549600 сум |
| 12. Пресс пневматический | 4216498 сум |
| 13. Вертикально фрезерный станок 6 п 81 | 3327750 сум |
| 14. Прицеп ГКБ 65-83 | 1618507 сум |
| 15. Алмазно-заточный станок | 875897 сум |
| 16. Намоточный станок | 11872800 сум |
| 17. Пресс гидровалический | 5934488 сум |
| 18. Пресс прессовка подшипников | 5934488 сум |
| 19. Токарно полуавтомат ЧПУ | 13311000 сум |
| 20. Установка сверлил малий отверстия | 843030 сум |
| 21. Электроталь | 1447971 сум |
| 22. Выпрямитель ТБЦ 80-110 | 2189745 сум |
| 23. Линия для отбеливания х/б материал | 52196970 сум |
| 24. Вертикально сверлилный станок | 6655500 сум |
| 25. Заточный станок | 3549600 сум |
| 26. Пресс ножницы НВ 5222Б | 12423600 сум |
| 27. Пресс однокривощипный 63 тонн | 11868975 сум |
| 28. Пресс пневматический | 12336635 сум |
| 29. Вертикально сверлильный станок | 10648800 сум |
| 30. Пресс пневматический 3 ТОРЦ | 12336635 сум |

*Открытые торги проводятся в 20 июня 2006 года 10.00 часов в главном офисе ООО «Шаҳрихон мулк савдо», расположенном по адресу: г.Андижан, проспект Навои, 111.*

*Заявления на приобретение вышеназванного имущества принимаются в главном офисе ежедневно, с 10.00 до 16.00 часов. К заявлению прилагаются 5 процентов задатка от стартовой цены имущества (объекта) и другие необходимые документы. Задаток перечисляется на р/с ООО «Шаҳрихон мулк савдо»: 20208000004451066001 МФО 00074 ИНН 205977096 Национального банка.*

*Физические лица предоставляют копию паспорта, юридические лица — копию устава, заверенную нотариусом.*

***Наш адрес: г.Андижан, пр.Навои, 111. Тел.: 225-29-73.***

***Ориентир: напротив академического лицея АГМИ (бывший мединститут) по пр.Навои.***

